## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 580-ҳадис

580/1117 – عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَتْ بِي بَوَاسِيرُ، فَسَأَلْتُ النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم عَنِ الصَّلَاةِ، فَقَالَ: «صَلِّ قَائِمًا، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَقَاعِدًا، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَعَلَى جَنْبٍ».

580.1117. Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Менинг бавосирим* бор эди. Шу боис Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан намоз ўқиш ҳақида сўрадим. Шунда у зот: **«Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб,** (бунга ҳам) **қодир бўлмасанг, ёнбошлаб»**, дедилар».

* Араб тилидаги «бавосир» сўзи ўзбек тилида «бавосил», «шиш», «ғурра» маъносидаги «гемморой» касаллигини англатади. У катта ҳожат чиқарадиган аъзонинг касаллиги бўлиб, энгашиш ва ўтириб-туришда оғриқ берадиган, баъзан ушбу ҳаракатлар билан ҳолат ёмонлашадиган дарддир *(Маждуддин ал-Фирузободий. Ал-Қомусул муҳит. – Ж. 1. – Байрут: Дорул маърифа, йили кўрсатилмаган. – 372 б).*

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI